

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЁГОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ
(МАЪРУЗАЛАР МАТНИ)

КАФЕДРА:

Амалий санъат

:

ТУЗУВЧИ:

З.Ш.Сотиболдиев.

ТОШКЕНТ – 2007й

1-МАЪРУЗА. 2 СОАТ.

МАВЗУ: ЁФОЧ УЙМАКОРЛИГИ ТАРИХИ, МАКТАБЛАРИ,
УСТАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ.

РЕЖА:

1. Амалий санъатнинг тарихий ривожланиш жараёни.
2. Темурийлар даври ёғоч уймакорлиги санъати.
3. Ёғоч уймакорлигининг асримизгача бўлган ривожи.
4. Ёғоч уймакорлиги мактаблари.
5. Ёғоч уймакорлиги усталарининг хаёти ва фаолияти.

Адабиётлар: 3; 4; 5; 6; 7; 9; 12; 14; 16; 22; 23; 24.

МАВЗУНИНГ МАТНИ.

Амалий санъатнинг тарихий келиб чикиши инсониятнинг болалик даврига бориб такалади. Башарият улгайиб борган сари амалий санъат хам юксала борди. Яшаш учун кураш мавжуд экан, яхши яшаш учун эҳтиёж кучайиб бориш жараёнида кул меҳнатидан аклий меҳнат ажралиб чика бошлади. Ов куроллари, уйрузгор буюмларига булган эҳтиёж кучайиб борди. Аввало тош уймакорлиги, суюк уймакорлиги, кейинчалик эса ёғоч уймакорлиги хам секин асталик билан уз ривожини топди.

Синфий жамият вужудга келиши билан эса ижтимоий тараккиётда катта узгаришлар содир булди. Бу эса фан ва санъат ривожида муҳим ахамият касб этди. Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврларда пайдо булди. Халкнинг турмуши хулқ ва одатлари, ютуқ ва маглубиятлари уларнинг асарларида уз ифодасини топиб борди. Хар бир даврда мавжуд булган ана шундай санъат ва санъаткорлар хаёт гузалликларини тасвирлаб, одамларда юксак хислат ва фазилатларни камол топдириб борди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик ва ёркин келажакка интилиш йулидаги курашга даъват этди.

Археологик казиш ишлари натижасида Сурхон воҳасидаги Юмалок тепа тубидан топилган ёғоч уймакорлиги топилмалари мазкур жойларда áèð, áèð ярим минг йил мукаддам санъатнинг бу турини яхшигина ривож топганлигини олимларимиз уз изланишларининг маҳсули сифатида исбот этиб беришди. Халихануз бундай ноёб топилмалар нафакат Сурхон воҳасида, балки Самарканд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Фаргона водийсидаги Сух ва бошка кадимий шахар, кишлокларидан V-VI асрларга тегишли булган санъат асарлари топилмоқда.

Чингизхон боскинчилиги туфайли XIII асрга келиб маданий хаёт издан чиқди. Урта Осиёдаги Бухоро, Самарканд, Урганч, Балх ва Мавр каби бир катор

шахарлар Чингизхон бошчилик килган мугил боскинчилари томонидан остин-устин килиб ташланди.

Бу вайронгарчиликларга XIV асрнинг иккинчи ярмида оксок Жахонгир Амир Темур Урта Осиё халкларини бирлаштириш оркали чек куди ва халқимизнинг маданияти, санъати, шу жумладан, ёғоч уймакорлигининг ривожига узи курдирган обидалари, асори-атикалари билан уз хиссасини кушди. Самарканда йирик-йирик санъаткорлар, шоибу-уламоларни, хунарманду-усталарни туплаб куплаб жомъе масжидлари, мадрасалар, хонаколар, саройлар ва бошка улкан иншоотлар курдирди. Амир Темур вафотидан сунг Темурийлар уртасида булган узаро тукнашувлар туфайли маданият ривожига салбий таъсирини утказди.

XVI асрда архитектура иншоотларининг куриниши янада такомиллашди, куплаб жамоат бинолари, карвонсаройлар, куприк, сардоба, шахарларда хаммол, тим ва бошка савдо расталари курила бошланди. Монументал биноларнинг тархи, киёфаларига узгартиришлар киритилди, хунармандларнинг артеллари вужудга келди. Жомъе масжидлари сарой типида серҳашам килиб курилди, гузар ва маҳаллалардаги масжидлар кишлик ва ёзлик килиб курилиб, катта айвонлар уйма устунли ва эшиклари хам уйма безаклар билан безатилди.

XVII асрга келиб Урта Осиёда авж олган узаро феодал низо ва урушлар Эроннинг Хивага килган хужуми ва бошталар архитектура ва бадиий хунармандчиликка салбий таъсир курсатди. Купгина мусаввир ва хунармандлар Хиндистонга, Бобурийлар саройига кетишга мажбур булдилар. XVIII аср охирларига келиб меъморчилик ва амалий безак санъати ривожлана бошлади. Сарой курилишларида халқ меъморчилиги композиция услубларидан фойдаланиб, ичкари ховли, ховуз, куп устунли айвон, синчли иморатлар курила бошлади. XVIII-XIX асрларда биноларнинг айникса ички кисмини кошин, тош, ганч ва ёғоч уймакорлиги билан безатилди. Буларга мисол килиб Хивадаги Пахлавон Махмуд макбараси, Кукондаги Даҳмаи шохон асори-атикаларини келтиришимиз мумкин.

Асримизга кадар санъат асарлари турли киргингарот туфайли вайроналар остида колган булса, асримизда “кизил куланка” остида колди. Халқимизнинг укимишли, билимдон, зиёли фарзандларини турли сабабларни рукач килиб катагон килишди. Хунарманд усталарни эса шахсий бойлик орттиришда айблаб фаолиятлари тухтатиб куйилди. Бирок халқимизнинг фидойи фарзандларидан ижодкор усталар уста Ширин Муродов, Мирхамид Юнусов, Шамсиддин гофуров, Юнус Али Мусаев, Усмон Икромов, Кули Жалилов, Сулаймон Хужаев, Хайдар Нажмиддинов, Тошпулат Арслонкулов, Максуд Косимов, Махмуд Усмонов, Олимжон Косимжонов, Ёкубжон Рауфов, Махмуд Облакулов, Абдулла Болтаев,

Кодиржон Хайдаров, Ота Полвонов, Абдураззок Абдурахмонов ва бошка бир каторлари уз хунар сирларини мактабда ва мактабдан ташкари муассасаларда ёшларга ургатишни йулга қуйдилар. Кейинчалик эса уз услуби, йуналишига эга булган Хива, Самарканد, Бухоро, Тошкент ва Кукон каби йирик ёгоч уймакорлик мактаблари ривож топди.

Хива ёгоч уймакорлигининг ривожида Ота Полвонов ва Сапо Бокбековларнинг ижодий фаолияти алоҳида урин тутади. Бу мактаб уймакорлиги бошка мактабларга караганда уйма накшларнинг майдалиги, заминининг камлиги, новдаларнинг зичлиги, бадиий тузилиши жихатидан уйнокилиги, яъни новдаларнинг спиралсимонлиги алоҳида ахамият касб этади.

Самарканд ёгоч уймакорлиги мактабида эса уймаларнинг майдалиги, накш намунасининг мураккаблиги, усимликсимон гирих ва гулли гирих накшларнинг куп ишлатилиши билан хамда уйма юзасининг рангланиши билан ажралиб туради. Ижодкор усталар Абдухофиз Жалилов, Асатилла, Насрулла, Нурали Назруллаевлардир.

Тошкент уймакорлиги мактабининг йирик намоёндаларидан Сулаймон Хужаев, Максуд Косимов ва Ортиқ Файзуллаевлардир. Тошкент мактабининг бошка мактаблардан фарки шундаки, уймасининг куп каватлиги, уртacha чукурлиқда уйилиб, ислимий, геометрик, рамзий накшлар купрок ишлатилади.

Кукон ёгоч уймакорлиги мактаби хам узига хослиги билан бошка мактаблардан ажралиб туради. Йирик усталардан Хайдар Нажмиддинов ва Кодиржон Хайдаровлардир. Бу мактаб уймакорлигининг маҳобатлилиги, йириклиги, уймаларини чукурлиги ва куп каватлилиги билан фаркланиб туради.

Сулаймон Хужаев 1866 йили Тошкентдаги Сузукота маҳалласида яшовчи уста ва дурадгор Насруллохужа оиласида дунёга келди. Ёшлиқ даврида Сулаймон отасига ёрдам берар, лекин кунглида ёгоч уймакорлигини урганишга булган истак тобора кучайиб борарди. У 17 ёшида уста Искандар Мирзаёкубов устахонасида, сунгра 1891 йилдан эса уша даврдаги ёгоч уймакорлигининг паргори усталаридан бири Тошпулат Аюбхужаевга шогирд тушиб ёгоч уймакорлигининг сирасорларини урганди.

“Сулаймон устозини хурмат килар, кийинчиликларни сабр-чидам хамда ута меҳнатсеварлиги билан енгиб, хакикий уста булишга астойдил харакат киларди. Кекса устоз Тошпулат Аюбхужаев вафот этгач, унинг санъатини давом эттириди. Устоздан эсталик булиб колган асбоблар ёрдамида Сулаймон узи мустакил жуда куп дурадгорлик ишлари деразалар, эшиклар, дарпардалар ясади” (С.С.Булатов “Узбек халк амалий безак санъати”, Т., ”Мехнат”, 1991, 230-бет.).

Уста С.Хужаев 1913 йилда Санкт-Петербург шахрида булиб утган Бутунрессия касблари кургазмасида накшланган курсичаси ва күш кафаси билан иштирок этиб, ана шу ажойиб ишлари учун “За полезные труды” бронза медали ва диплом билан такдирланди. Бундан ташкари С.Хужаев жуда куплаб кургазмаларда узининг ижод намуналари билан иштирок этди. 1923 йилда Россия кишлок хужалиги хунармандчилик кургазмасида, 1927 йилда халклар санъати кургазмасида катнашиб 1-даражали диплом билан такдирланди. 1937 йилда Парижда булиб утган санъат ва техника кургазмасида катнашиб юксак баҳо олди.

Уста Сулаймон Хужаев Узбекистон халк усталари ичидаги биринчи булиб 1932 йилда Мехнат Каҳрамони унвонини олди. Ёгоч уймакорлигининг Тошкент мактаби намоёндаларидан бири, паргори устаси С.Хужаев 81 ёшида 1947 йилда вафот этди.

Кодиржон Хайдаров 1899 йили Куконлик атоқли наккош Хайдар Нажмиддинов оиласида дунёга келди. У дастлабки ёгоч уймакорлиги санъатини отасидан урганди. Кодиржондаги болалиқдан санъатга булган иштиёқ аста-секин унга ёгоч уймакорлиги сир-асрорларини кунт билан урганишига, сабр-токатли булишга ургатди. У узи мустакил равишда уй-рузгор буюмлари, кутичалар, стол, курси ва хонтахталарни нафис ва бежирим килиб безаб эл эътиборига тушди. К.Хайдаров дастлаб 1923 йилда Москвада халк хужалиги кургазмасида хизмат килди.

1925-29 йилларда Кукондаги Наримонов номидаги интернатда тугарак раҳбари, 1929-31 йилларда ёш дурадгорлар тугарагига бошчилик килди. 1931-33 йилларда укишини давом эттириди. 1933-54 йилларда “Янги маъдан” артелида дурадгор, ёгоч уймакори ва 1954-57 йилларда эса Кукон музейида таъмирловчи булиб ишлади. У узининг фаолияти давомида куплаб эшик, устун, курси, хонтахта, кутича ва бошка турли буюмларни ёгоч уймакорлиги билан гузал ва жозибадор килиб безаб шухрат козонди.

Бугунги кунда Кодиржон Хайдаров колдирган Кукон тарихи музейидаги крават, Тошкентдаги Тарих (аввалги Ленин марказий музейининг Тошкент филиали) музейининг эшиги, Халклар Дустлиги саройининг эшиги ва бошқалар узининг уймакорлик санъати анъаналарини янги мотивлар билан бойитганини курсатди. Кодиржон Хайдаров 1963 йилдан Узбекистон Халк рассоми, 1970 йили Республика Хамза мукофоти совриндори, бир нечта орденлар сохиби булди. Ёгоч уймакорлигининг ислимий ва паргори устаси, ажойиб санъат сохиби К.Хайдаров Кукон шахрида вафот этди.

Таянч тушунчалар:

1. Тарх – чизма, режа, эскез, лойиха.
2. Ислимий – усимликсимон накш тури.
3. Паргор – циркуль.
4. Паргори накш – циркуль ёрдамида чизилган накш.
5. Замин, асос – накш безагининг гулдан ташкари таг кисми.
6. Уйма – сиртни уйиб, зарб бериб ишлаш.
7. Уймакорлик – уйиб накш солиш касби.

Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар:

1. Ёгоч уймакорлиги тарихи хакида нималарни биласиз?
2. Уймакорлик деганда нимани тушунасиз?
3. Темур ва Темурийлар даврида ёгоч уймакорлиги?
4. Ёгоч уймакор усталаридан кимларни биласиз?
5. Ёгоч уймакорлик мактаблари?
6. Сулаймон Хужаев хакида гапириб беринг.
7. Тошкент уймакорлигининг Хива уймакорлик мактабидан фарки нимада?
8. Махобатли ёгоч уймакорлиги кайси мактабга хос?
9. Кайси мактаб вакиллари уйма юзасини ранглайдилар?
- 10.Кодиржон Хайдаров ижодидан намуналар биласизми?

5-МАЪРУЗА. 1 COAT.

**МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ ИНШООТЛАР, УЛАРДАГИ ЁГОЧ
УЙМАКОРЛИГИ ИШЛАРИ, УСТАЛАР ХАЁТИ ВА
ФАОЛИЯТИ.**

РЕЖА:

1. Миллий хунармандчилигимизни янада ривожлантириш максадида кабул килинган Конун ва Фармонлар, уларнинг ижроси.
2. Мустакиллигимиздан кейинги бунёд этилган замонавий иншоотлар.
3. Хотира ва Кадрлаш мажмуаси хамда унинг тархи.
4. Хотира ва Кадрлаш мажмуасида ёгоч уймакорлиги санъатининг кулланиши.
5. Ортиқ Файзуллаев ижоди.

Адабиётлар: 1; 2; 10; 15; 19; 21; 26; 27.

МАВЗУНИНГ МАТНИ.

Ватанимиз Мустакилликка эришгандан сунг хар жабхада ижобий узгаришлар, юксалишлар сари бораётганимиз қувонарли холдир. Миллий кадриятларимизни тиклаш, узлигимизни англаш, ота-боболаримиз колдирган бой меросни кадрига етиш ва улардан уз хаётимизда, фаолиятимизда унумли фойдаланиш, уларнинг руҳи хар доим бизга мададкор эканлигини дилдан хис килиб туриш бугунги биз эришган ва эришаётган ютукларимизнинг гарови эканлигини кайд этиб утишимиз жоиз булмаса керак. Чунки бугунги кунга келиб хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган бир катор хайрли ишларни таъкидлаб утиш киши рухиятида фахрланиш туйгусини уйготади.

1997 йил 29 август куни Олий Мажлиснинг навбатдан ташкари IX сессиясида кабул килинган "Таълим тугрисида" ги Конун ва "Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури" каби Фармонлари ёшларни миллий ифтихор, миллий гурур туйгулари билан тарбиялашга каратилган десак муболага булмайди. Мустакилликка эришганимиздан кейинги йилларда нафакат таълим, савдо-сотик, фан ва техника балки миллий хунармандчилигимизда хам салмокли ютукларга эришмокдамиз. Миллий хунармандчилигимиз хаттоқи давлат сиёсати даражасигача кутарилиб, унга алоҳида эътибор билан ёндашилаётгани бугунги кунда сир эмас.

Ота-боболаримиздан мерос булиб колган обидалар, асори-атикаларни кайта таъмирлаш, уларга кайтадан жон, жозиба ва гузаллик баҳш этиш, колаверса биздан узоклаштирилган, умуман беганога айлантириб куйишга килинган харакатлар оралигидаги пардалар кутарилиб хакикат яна кайта каддини ростлади. Яна уз юртига Алпомиш, Ал-Бухорий, Ал-Фаргоний, Амир Темур ва яна куплаб бизнинг бобокалонларимиз кайтишди. Уларнинг руҳи покларини шод килиш, колаверса кейинги авлодларга етказиш максадида курилган бетимсол ёдгорликлар, асори-атикалар фикримизнинг ёркин мисолидир. Биргина Тошкент шахрида миллий услугда бунёд этилган бундай иншоотларни куплаб учратишимиш мумкин. Темурийлар Давлат музейи, Олий Мажлис биноси, Тошкент шахар хокимлиги, катор бозорлар ва савдо расталари, маданият ва истироҳат боблари шулар жумласидандир.

Меъморий ёдгорликлар бунёд этилар экан, албатта, узига хос ва мос миллий хунармандчилигимиз билан жозибадор килиб безатилади. Пойтахтимизнинг бош майдони Мустакиллик майдонининг шундай ёнгинасида бунёд этилган Хотира майдони ана шундай мажмуалардан биридир.

Ушбу мажмуа миллий хунармандчилигимизнинг ёгоч уймакорлиги билан безатилган булиб, бир-бирига қарама-карши айвондан ташкил топган. Хар икки

айвонда хам 21 тадан уйма устун урнатилган. Устунларнинг 17 таси бир каторга урнатилган булиб, мархумларнинг номлари зикр этилган зархал "китоблар" урнатилган айвон деворининг икки томонига 2 тадан 4 та уйма устун урнатилган. Республикаизнинг хар бир вилоятлари, Тошкент шахри ва Коракалпогистон Республикаси учун алоҳида булимлардан иборат булиб, мотамсаро Онанинг унг томонидаги булим Тошкент шахридан урушга кетган жангчиларнинг номларини зикр этиш билан бошланган. Устунлар уймаси 1 каватли ислими накшлардан ташкил топган. Пардоз турининг чока ва табака турларидан унумли фойдаланилган. Накш композициясини асосан бандлар ва гуллар ташкил этади. Кейинги булимлар Хоразм ва Тошкент вилоятларига ажратилган булиб, накш композицияси узига хос булсада, уймани бажариш ва пардоз турлари деярли бир хил услубда бажарилган. Сурхондарё ва Сирдарё булимлари эса узига хос булиб, уймасининг чукурлиги, накш композициясини барглар, баргли гуллар ташкил этади. Чока ва табака пардоз турларидан унумли фойдаланилган.

Самарканд ва Кашкадарё булимларида хам аввалги булимлардаги каби накш композицияси барглар ва баргли гуллардан ташкил топган булсада, пардоз турларининг пах, лула ва табака турларидан кенг фойдаланилган.

Айвоннинг иккинчи томонидан Коракалпогистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Фаргона, Жиззах, Наманган ва Навоий вилоят булимлари жой олган булиб, хар бири узига хослиги билан ажралиб туради. Коракалпогистон Республикаси, Андижон ва Бухоро вилояти булимларидағи устунлар 1 каватли уйма, кам заминли, унча чукур булмаган ва накшнинг ислими туридан ташкил топган. Колган булимларда 2 каватли уймадан ута нозик дид билан фойдаланилган булиб, накш композициясини асосан барглар ва баргли гуллар ташкил килади. Пардознинг барча турларидан унумли фойдаланилган.

Мажмуани хар икки томонидаги устунларнинг пойустуни, урта кисми ва юкориси, яъни мукарнаси бир хил куринишда танланиб узига хос гузаллик кашф этиб турибди. Айвоннинг харилари, тусинлари, калваклари ва воссаларига хам ёгоч уймакорлигининг гузал намуналаридан кенг фойдаланилган. Навоий вилояти булимига урнатилган устунларнинг бирида "Асадов Миржалол. Самарканд. 1999 йил" деган ёзувни учратишимииз мумкин.

Куриниб турибдики, замонавий иншоотларда кулланилаётган санъат турлари ва айнан Республикаизнинг бош майдонидаги бундай ёдгорликни факат ёгоч уймакорлиги билан безатилиши ушбу санъат турининг бугунги кунда гуркираб ривожланиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Ёгоч уймакорлигининг бугунги кундаги бундай ютукларига эришувида бир неча шогирдларнинг устози,

1973 йилдан Рассомлар уюшмасининг аъзоси, Узбекистонда хизмат курсатган маданият ходими Ортик Файзуллаевнинг күшган хиссаси бекиёсдир.

Ортик Файзуллаев 1933 йил 1 майда Тошкентда туғилди. Унинг ёшлигидан шеъриятга, мусикага ва амалий санъатга булган кизикиши 1952 йилда П.П.Беньков номидаги Бадиий билим юртига болшаб келди. Билим юртида у таникли ёгоч уймакорлиги устаси Максуд Косимов қулида тахсил олди. О.Файзуллаев 1957 йили ёшлар фестивалида узининг курси, кутича ва бошка асарлари билан иштирок этиб, "Жаҳонга тинчлик" панноси учун "Фестивал лаурияти" унвонини олди. У узи устида тинмай ишлади, изланди. Бунинг натижасида у "Узбекистон" меҳмонхонасини, "Мовий гумбазлар" иншоотини безашда фаол иштирок этди. Ортик Файзуллаев яратган куплаб кутичалар, панжара-ю дераза ширмалари нозик дид ва нафис безатилган булиб, улар нафакат Республикализ, балки жаҳоннинг 80 дан ортик – Япония, Германия, Польша, Туркия ва Финландия каби куплаб давлатлари музейидан доимий экспонент сифатида жой олган.

Таянч тушунчалар:

1. Васса, токи – шифтни ёпишда тусинлар устидан зич териладиган ярим доирали гулачалар.
2. Мукарнас – мураккаб хажмдаги безак тури булиб, гумбаз, ярим гумбаз, меҳроб, тахмон, равок, устуннинг юкори кисмини безашда равокли косачалардан ташкил топган безак.
3. Панно – тасвирий ёки накшин намоён, купинча хоналарни безатиш учун ишлатилади.
4. Пойунтус – устун урнатиладиган асос, таг курси.
5. Ширма, тусик – хонани булиш, айриш учун ишлатиладиган маҳсус йигма парда, девор.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Миллий хунармандчилигимизни янада ривожлантириш максадида хукуматимиз томонидан кандай Конун ва Фармонлар кабул килинган?
2. Мустакиллигимизни кулга киритганимиздан сунг кандай иншоотлар бунёд этилди ва улар ёгоч уймакорлиги билан безатилди?
3. Хотира ва Кадрлаш мажмуаси тугрисида нималарни биласиз?
4. Ушбу мажмуа амалий санъатимизнинг кайси тури билан безатилган?
5. Ортик Файзуллаев хакида гапириб беринг?
6. О.Файзуллаев кандай асарлар яратган?

